

## Солиҳларга ҳурмат



07:10 / 08.05.2019 2558

Маймун ибн Меҳрон ҳикоя қилади: «Абдулмалик ибн Марвон Мадинага келди. Эрталаб уйғонгач, қоровулига: «Масжидга кириб қара, кимдир бор бўлса, у билан суҳбатлашаман», деди. Қоровул бориб қараса, масжидда Саъид ибн Мусайябдан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Қоровул уни қўли билан ишора қилиб чақирди. Саъид қимирламади. Қоровул унинг олдида бориб, шундай деди:

- Сенга ишора қилганимни кўрмадингми?
- Гапир, нима ишинг бор?
- Мўминларнинг амири уйғонди. Менга: «Масжидга кириб қара, кимдир бор бўлса, у билан суҳбатлашаман», деди.
- Мен унинг суҳбатдоши эмасман.

Қоровул чиқиб, халифага: «Масжидда фақат битта чол бор экан. Унга ишора қилсам, турмади. Олдига бориб, мени мўминларнинг амири: «Масжидга кириб қара, кимдир бор бўлса, у билан суҳбатлашаман», деб жўнатди», дедим. У бўлса: «Мен мўминлар амирининг суҳбатдоши эмасман», деди. Шунда Абдулмалик ибн Марвон: «У Саъид ибн Мусайяб экан. Уни тек қўй», деди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**